

САБЗАВОТҚОРЛАР АҲДИ

Эл дастурхонини сабзавот маҳсулотларига тўлиқ қилиш учун қурашадиган Ошаннинг районидagi Ленин номида колхознинг 14-бригадаси деҳқонлари экин-

лар парварини илгор агрохонинда қондалари асосида олиб бораётирлар. Улар ҳозиргача эртани помидор, бодиринг, картошкага уч марта ишлов беришди. Саб-

завот экинлари ўғитта тўйдирилиб, сифатли сугорилмоқда. Ҳозир бригадада коллектинг эртани карамни узишга тайёргарлик қурапти. Шунингдек, яқин кун-

ларда сабдо тармоқларини саримсоқ лиёз жўнатилади. — Ўзини беш йилликнинг якуловчи йилида давлатга 700 тонна сабзавот маҳсулотлари сотиш мажбуриятини олганимиз, — дейди бригада бошлиғи Тўлаш ага Илдошев. — Далаларда ахда яраша мўл ҳосил етиштирилмоқда. Бундан бун ҳам экинлар парварини-

ни намунали бўла қўйиб, халқимиз дастурхонини ноз-неъматларга тўлиқ бўлишга ўз ҳиссанини қўшамиз.

Х. МИРЗАКАРИМОВ.

Суратда: (чапдан ўнгга) колхозчи И. Усмонов ва бригадир Ш. Маҳмадовлар қараи узишмоқда. Автор фотоси.



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 88 (7228). 7 май, 1980 йил ЧОРШАНБА Баҳоси 2 тийин.

МОҲИР ПИЛЛАЧИЛАР

Янгийул районидagi «Коммунизм» колхозининг пиллачилари моҳир «ку-жун тола» ижодкорлари ҳисобланадилар. Улар ҳар йил давлатга пилла сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини ҳам энгаси билан бажаришади. Моҳир пиллачилар ўзининг беш йилликнинг якуловчи йилида катта марғабни қўлашган. Улар қабул пунктларига 35 тонна «кужун тола» етказиб бериш мажбуриятини олганлар.

Айни кунларда хўжаликда яппак нуртин парварини қилиш қизғин олиб борилади. Бу ишда пиллачилардан Ф. Аҳмедова, И. Рихсеева, О. Муҳиддинова, М. Жаҳонзова, А. Қурбонвалар айнақса жонбозлик кўрсатишмоқда. Бу илгор пиллачилар ҳар кун урулган 125—130 килограммдан пилла олиш учун яппак нуртин парварини кўп йиллик тажрибалари асосида олиб бораётирлар.

В. БОБОХОНОВ.

ЖУН ҚИРҚИШ ҚИЗГИН

«ПРАВДА» колхозини Коммунистик районидagi қўйчилик ҳар томонлама кенг ривожланган хўжаликларида билирлар. Колхоз отарларида ҳар йил 17—18 минг беш қўй-қўзилар парварини қилишади.

Айни кунларда хўжалик отарларида эрта қўйзатилиш муваффақиятли якунланиб, жун қирқиш қизғин давом эттиришмоқда. Қўйчиловлар бу йил ҳамда давлатга 40 тонна сифатли жун сотиш мажбуриятини олганлар.

Жайлов Қўлдошев, Нурмон Исабеков, Абдуғани Юсупов сингари тажрибали чорвадорлар бошқарётган отарларда жун қирқиш, айниқса, намунали уюштирилган. Улар ҳар беш қўйдан 3.5—4 килограммгача жун қирқиш олишга эришмоқдалар. Бу пиллада белгиланган ағча юқориди.

В. УРИКЦИН.

ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

Ҳар бир коллектининг илгорлар даражасига тенглаштиришга эришишни таъминлаш қиллох хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг кўпайтиришнинг катта реверидир. Шунинг учун ҳам колхозимизда илгорлар тажрибасини кенг омалаштиришга жиддий эътибор бераётимиз.

Мана, бир неча йилдан бери колхозимизда илгор тажрибани мактаби ишламоқда. Унда хўжалигимизнинг дондор пахтакори Турлибеков Яхшибоевнинг иш усули омалаштириб борилади.

Коммунист Т. Яхшибоев бошлиқ бригада аъзолари пахтадан муттасил юқори ҳосил етиштириб келишмоқда. Утган хўжалик йилида улар ҳар гектар майдондан пилладаги 32 центнер ўғитга 42 центнердан дурдона етиштиришга муваффақ бўлишди. Бу йил бригада аъзолари 178 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олганлар.

Мўл ҳосил усталари пахта етиштиришнинг фан ютуқлари ва илгорлар тажрибаси асосида олиб борадилар. Ҳар бир агротехника тадбири ўз вақтида ва сифатли ўтказилади. Бригадада шудгорлашдан олдин ҳар гектарига 450—500 килограммдан аммофос, тупроқ картограммаси асосида 30 тоннадан қиритган гўнг солинади. Далаларга гўза парварини даврида селиш учун ҳар гектар ҳисобига 10 тоннадан маҳаллий ўғит тайёрлаб қўйилади. Бу ер унумдорлигини ошириш, бинобарин, мўл ҳосил етиштиришга хизмат қилади.

Илгорларнинг бой тажрибасидан фойдаланаётган Ма-

мат Рисбоев, Ҳолдор Усмонов ва Ширинбой Эсонбоевлар бошлиқ бригадада аъзолари ҳам ўзининг беш йилликнинг якуловчи йилида гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олганлар. Дала илгари намунали ташкил қилинган бу бригадада ҳозир гўза қатор ораларига илгиринг комплекс ишлов бериш қизибди юқорида.

Маълумки, мўл пахта ҳосили етиштиришнинг механиз-

1225 гектар майдонга экинган чигитни текис ундириб олиб, гўза парварини таъминлаш қиллох хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг таъминоти асосида гўзани сугоритиш ҳам қилинган. Гўзани қондириб, қўлатмасдан сугоритишда Дармен Қўзиев, Авел Уташев, Манноб Салимбоев, Намол Тўймеев каби тажрибали суғирларимиз жонбозлик кўрсатишди. Уларнинг ҳар бири кунига 1,2—

Тошқол Ҳатамова, Савай Қўлманбетовлар ҳар бир гектардан 3800—4000 килограммдан сарғаймоқ сут соғиб олганга қадар ахд қилишган. Улар ҳозирги кунда кўк масса билан, боқиланган товмушлардан 14—15 килограммдан сут соғиб олишмоқда.

Колхозимиз меҳнатнашлари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «1980 йилда ҳосил ўрми-йигинини, қиллох хўжалик маҳсулотлари тайёрлашни ва 1980 — 1981 йиллар даврида чорва қиллох муваффақиятли ўтказилишини таъминлаш юзасидан қўшмча тадбирлар тўғрисида»ги қарорига амалии иш билан жавоб бериш учун бу йил маънажўхори дондор ҳосилдорлигини 100 центнерга, шоллин 60 центнерга етказиш мажбуриятини олганлар.

Шунингдек, чорва молларига 3400 тонна беда личини, 605 тонна сенга, 470 тонна сомон, 1140 тонна табиий ўт ичишти, 16 тонна сўлос тайёрланди. Бу чорва қиллохнинг муваффақиятли ўтказилиш: гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришнинг янги нукталарини имконини беради.

Илгорлар тажрибасини кенг ёйиб меҳнатда янги муваффақиятлар олибдириш, Шунинг учун биз бу ишга катта аҳамият берамиз, бу йил пахта ҳосилдорлигини 40 центнерга етказиш, давлатга 4 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» сотиш иштироки билан меҳнат қилаётимиз.

Ж. ЭЛЧИБОВЕВ.

Оққўрғон районидagi «Ленин» колхозининг раиси.

ХЎЖАЛИК РАҲБАРИ МИНБАРИ

заиясиз тасаввур этиш қийин. Хўжалигимизда пахтачиликнинг комплекс механизациялаш амалга оширилди. Жумладан ўтган йили гектаридан 39,7 центнердан ҳосил олиниб, 3720 тонна ўғитга 4680 тонна пахта етиштирилган эди. Бу ҳосилнинг 87 проценти машиналарда териб олинди. Механизациядан самарали фойдаланиш тўғрисида бир центнер пахтадан таъинирих 20 процентга камайди.

Ўз касбларига меҳр қўйган Чинишлат Норбутаев, Худойберди Холбоев, Тошкентбой Усмонов, Тошқўлат Сингирбоев каби механизаторларимиз техникадан юқори унум билан фойдаланишда намуна кўрсатиб келишмоқда. Уларнинг иш тажрибасини ҳам механизаторлар ўртасида кенг ёймоқдими.

Хўжалигимиз аъзолари

1,5 гектар майдондаги гўзани сувдан сифатли чинаришмоқда. Гўзани чоңиқ қилишда Меҳри Душабоева, Гўлабхон Қўзиева, Ойсаба Ботирбекова, Саналат Умарова сингари илгор колхозчиларимиз фидокорона меҳнат қилаётирлар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош Секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг областимиз меҳнатнашларига қўлашган маътури колхозимиз чорвадорларини ҳам янги маънажўхори руҳлантириб юборди. Улар ўзининг беш йилликнинг якуловчи йилида 740 тонна сут, 60 тонна гўшт, 162 минг дон тухум етиштириш учун ўзаро социалистик мусобақани кўн сайин авж олдиришмоқдалар. Илгор сут соғувчиларимизда Замира Субқулова,

БУНЁДКОРЛИК ГАШТИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ пойтахтининг қиёфаси тобора гўзаллашиб бормоқда. Унинг бағрида ҳар йили қўлпаб ҳашаматли маданий-маиший муассасалар, уй-жойлар қад кўтарилди. Ана шундай кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишларида бригадамизнинг ҳам озми-кўпми ҳиссаси бор. Биз бу билан ҳақли равишда фخرланамиз. Касбимиз шўхратини янада оширишни ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз деб ҳисоблаймиз.

Касбга меҳр коллективимиз меҳнат ютуқларининг асоси бўлмоқда. Бригадамизнинг ҳар бир аъзоси унинг ва сифатли ишлаш, объектларнинг жадал ва соз қуришга қўлашқилишга астойдил ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам бинокорларнинг бутун маҳоратлари, тажриба ва билимлари сарфлаб ишланмоқда. Илгор тажриба ва пешқадамлар ташаббусини, қисқаси ишмизга иқидон тасхир қўришатиш барча ағилчиларини қўлашга интилоқдалар.

Коллективимиз бир беш йилликда икки беш йиллик пиланини бекариш юзасидан бошланган ташаббусга биринчилар қатори лаббай деб жавоб берган эди. Биз ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, ўзининг беш йиллик давомида ўз йиллик топшириқини бажаришга ахд қилгандик. Шундан сўнг бинокорларимиз ваъда бердингми, уни бажар, қабилида иш юритилди. Мазнаати ташкил этишни ишладик. Биринчи объектлар қурилишида поток усулини қўлладик. Бригадемизда бажарилидиган иш харақатига қараб эвенолар тайинлиб этилди. Ҳар бир эвенога ўз касбини пухта эгалаган, ташкилотчиликдан ҳабери бўлган, тажрибали бинокорлар раҳбар этиб тайинланди. Улар ўртасида социалистик мусобақа йўлга қўйилди.

Қурилиш ишлаб чиқаришини пухта ташкил этиш, ҳар бир бинокорнинг фидокорона меҳнат қилиши, мавжуд асбоб-ускуналар ва иш вақтидан самарали фойдаланиш ютуқларимиз саломатининг ортисига олиб келмоқда. Зиммамизга олган юксак социалистик мажбуриятлар ҳам шараф билан бажаришмоқда.

Қўли гул бинокорларимиз ўзининг беш йиллик топшириқини 1978 йилнинг биринчи ноябидан бажардилар. Биз шу вақт мобайнида 354 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдик. Бу беш йиллик пиллада назарда тутилган иш ҳамидан 20 минг сўмлик кўпдир.

ТАШАБУСКОРЛАР ИЗИДАН

Ҳозирги вақтда коллективимиз ўз биринчи беш йилликнинг сўнгги йили ҳисобига ишланмоқда. Биз йил охиригача ўн биринчи беш йиллик топшириқини албатта бажарамиз. Областиимиздаги хўжалик ҳисоби асосида ишловчи 20 та бригада коллективининг ташаббусига қўшилишимиз ҳам бунга ердан беради. Пулратчи бригадаларнинг 1980 йилни зарбдор иш, Ленин ишлаш йилига айланганга ва Тошкент область партия комитети томонидан маъкулланган бу ватанпарварлик харақатига иштирок этиш янада унумли ва сифатли меҳнат қилишга даъват этади. Бригадамиз аъзолари янги меҳнат марраларини белгиладилар. Биз бу йил қурилиш-монтаж ишларини 10 минг сўм охири билан адо этамиз. Ҳар бир ишловчи ҳисобига амалга оширилган қу-

рилиш-монтаж ишлари ҳажминини 170 процентга етказамиз. Меҳнат унумдорлигини эса белгиланганга нисбатан 0,2 процент ошириб бажарамиз. Коллективимиз бинокорлик материалларини тежаш учун ҳам қизғин кураш олиб бормоқда. Шу тўғрисида йил охиригача икки кубометр тахта, 2 минг донна пишққ гўшт, олти кубометр бетон, бир тонна металлнинг иқтисод қилиш натижасида белгиланган режаларимизни муваффақиятли амалга оширарми.

Коллективимизда ўз касбини жон-дилидан севдиган, уни доим ердан қайлатган ақоли бунёдкорлар бор. Уларнинг номини ҳамамиз зўр ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламиз. Меҳнатда, ахлоқдабда шундай пешқадамларга тенглашишга ҳаракат қиламиз. КПСС аъзолари Шермат Холматов, Нафиса Юсупова, Неъмат Ҳожимуратов, Султония Алиева, комсомол Раҳим Тўлаганов ва бошқалар шундай бинокорлардир. Бу меҳнатсеварлар нормани доим икки баравар ва ундан ҳам ошириб адо этишди, ўз касбларини эш бинокорларга кўн билан ўргатмоқдалар. Уларнинг фикр-мулоҳазалари билан ишмизнинг янада яхшиланишига ердан беришди.

Ўзининг беш йиллик сўнгги йили биринчи қавартик пилани даярлик икки баравар ошириб бажарилди. Улуг доғи В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллиги шарафига бошланган ва меҳнатимиз натижасининг салмоқли бўлишига ердан берган зарбдор вақтин бундан бўён ҳам давом эттирамиз.

Х. БАҲОДИРОВ, 153-қурилиш трест бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қарамончи.



«СРЕДАЗКАБЕЛЬ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкентдаги бош қорхонасида қўлпаб ёшлар меҳнат қилганда, Аҳмад Ҳасанов ана шундай илгор еш ишчиларнинг бири. У смена топшириқларини мунтазам 130—140 процентга етказиб бажармоқда.

В. Сироткин фотоси.

Л. И. БРЕЖНЕВ Э. БАБЮХНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Бош Секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Совет Иттифоқига расмий дўстлик визити билан келган ПБПМ Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, ПХР Министрлар Советининг Раиси Э. Бабухни 6 май кун Кремлда қабул қилди.

Бўлиб ўтган сўхбатда КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси,

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин иштирок этди. Ўртоқ Л. И. Брежнев Ўртоқ Э. Бабухнинг ПХР Министрлар Совети Раиси юксак лабозимига тайинланганлиги билан самимий таъриқлади ва партия VIII съезди қарорларини амалга оширишда Полша хукумати иштига муваффақиятлар тилади.

Совет — Полша ҳамкорлиги тобора чуқурла-

шиб, ҳар томонлама ва етук бўлиб бораётганлиги қайд этиб ўтилди. Шу ҳамкорликнинг сиёсат, экономика, фан-техника ҳамда давлат фаолиятининг бошқа соҳаларида янада тақомиллаштириш йўллари тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Сўхбат самимий, ўртоқлик вазиётида ва тўла ҳам-наҳиятлик руҳида ўтди.

(ТАСС).

ПХР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ МОСКВАГА КЕЛДИ

ПБПМ Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, Полша Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Эдвард Бабух совет раҳбарларининг тақлифига биноан расмий дўстона визит билан 6 май кун Москвага келди.

Аэропортда Э. Бабухни КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русанов, бошқа расмий иштирокчи кўнб олдилар.

(ТАСС).

ЭЛЧИХОНАГА БОРИБ ТАЪЗИЯ БИЛДИРИШДИ

ЮСФР президенти, ЮКС Раиси Йосип Броз Тито ва фототатғини муносабати билан Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, В. В. Гринин, А. А. Громико, А. П. Кирленко, А. Н. Косигин, М. А. Суслон, Н. А. Тихонов, К. У. Черненко, М. С. Горбачев, Н. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, В. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, И. В. Капотов, В. И. Долгих, М. В. Зиямкин, К. В. Русанов ўртоқлар ЮСФРнинг СССРдаги элчихонасига бориб таъзия билдиришди.

Улар Югославиянинг

(ТАСС).

СОВЕТ МАТБУОТИНИНГ ЮКСАК БУРЧИ

Совет матбуоти ходимларининг унинг иши ва қиллох муҳаббатларининг айнасида байрам В. И. Ленин туғилган кунини 110 йиллиги тарихини кўнларига нишонланмоқда. Совет матбуоти ўзининг кўн қиррали фаолиятида жаҳон пролетариати йўлбошчилар таъриқлаб берган принципларини партиявийлик, оммавийлик, ҳалқ билан ҳаммуноса алоқа ва унинг маънафатлари учун хизмат қилиш принципларини асос қилиб олди.

5-майда пойтахтдаги «Ок-

тябрь» кино концерт залда матбуот кўнига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зиямкин, КПСС Марказий Комитети бўлим муҳбирлари Л. М. Замитин, Е. М. Т. Жельников президиумга чиқдилар.

СССР наشريёт ишлари Давлат Комитетининг раиси Б. И. Ступалин газета ва журнал редакциялари, ахборот агентликлари, телевидение, радио оштинтириш, наприётлар, полиграфия қорхо-

(ТАСС).

БУГУН — РАДИО КУНИ ҚОҒОЗСИЗ, МАСОФАСИЗ ГАЗЕТА

ТЎЛҚИНЛАРДА МАВЖ УРАР ҲАЁТ

Улуғ рус олими Александр Степанович Попов 1895 йилнинг 7 майида дунёда биринчи марта радиони кашф этди. Инсоният тафаккурида янги босқични босиб бераётган бу сўз жажоҳи — техникаси тарихдан фахрли ўринни эгаллаётган.

Октябрь ёлғусидан курафшон мамлакатимизда радио ленинча кўрсатмалар асосида ривожланиб, Доҳия «Қоғозсиз ва масофасиз газетаси»нинг кўдрати тарқиб қилинган бўлиши билан радионинг босқичи босиб бераётган бу сўз жажоҳи — техникаси тарихдан фахрли ўринни эгаллаётган.

Шонли партия ва ҳукуматимиз ленинча рожаларини дадиллик билан амалга ошириши туфайли совет радиоси улкан олим ташлади. Унинг моддий — техника базаси тобора мустаҳкамланиб, эштитишларнинг мазмунини бойиб бормоқда.

Урта Осиёда радионинг тўғилган маскани Тошкент ҳисобланади. 1927 йилнинг 11 февралда шаҳар аҳолиси биринчи бор «Дилқат» Тошкентдаги таълимнинг дегил лироқ сўзларини эшитди. Ушундан кейин бу овоз бор — йўли 27 километрга етиб боради ҳол. Эндиликда Ўзбекистон радиосининг овозини қўшни республикалар ҳам мароқ билан тингламоқдалар. У орқали бир кеча — кундада уч программани, беш тилда мунтазам 33 соатлик эштитишни олиб борилаётган. Чет эллар учун ташкил этилаётган эштитишлар йилдан йилга сермазун бўлиб бормоқда. Бундан ташқари Қорақалпоғистон АССРда, барча областларда, телевидение ва радио эштитиш комитетлари, районларда радио редакциялари ишлаб турибди. Жами эштитишлар 63,5 соатдан кўпроқни ташкил этади.

Республикамизда бундан 24 йил аввал ташкил топган телевидение ҳам равиқ йўлидан бормоқда. Рангли кўрсатувлар сови кўраймоқда. Ушундан 17 йилдан кейин кўпроқ маблаг сарфланиб йилги телемарказ биноси ишга туширилди. Радио унингнинг иккинчи янги замонавий қоспаси ҳам жадид қўлаётган. Пошталик Галаба ҳам олинган ва истироҳат боғи ёнида 250 метрлик радио-телекомплекс қурилди. Область теле-радио қоспасида ушунга янги бинолар қуриш ишлари бошлаб юборилди.

Ҳамма соҳадан қабил Ўзбекистон радиоси коллектив ҳам ўз сабини малакали, етук мутахассислар билан мустаҳкамламоқда. Улар давлатимиз олдига турган улкан назарларини ҳал этиш, меҳнатқилларини ўқинчи беш йиллик таълимнинг бажаришга сафарбар қилишда партиянинг жанговар ёрдамчилари бўлиб қолдилар. Биз бугун ўз ишига маъсулят билан ёндашиб, катта коллективнинг ҳурматига сазовар бўлаётган Ўзбекистон халқ артистлари Тўғулгой Юнусхўжаева, Қодир Махсумов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар М. Азатқия, В. Зорин қабил устоз дикторлар ҳамда телевидение ва радио эштитишлар редакцияларининг малакали ижодий ходимларининг номини фахр билан тилга оламиз. Улар ронг — баранг, мазмунан бой материалларини тайёрлаб, тингловчиларга ҳавола этмоқдалар. Кўрсатув ва эштитишлардан доимий ўрин олган «Партия йиллари» — халқ йиллари, «КПСС XXV съезди қарорлари — ҳаётга», «Идеология ва ҳаёт», «Турмуш ва маданият», «Бизнинг совет турмуш тарзини», «Табаррук замин», «Меҳнат сулолатлари» сингари қанча рубрикалар билан берилаётган ронг-баранг жаҳрдан кўрсатув ва эштитишлар, буюк талабнинг 35 йиллигига бағишлан.

Ҳар тонгда радиодаги жўшқин ҳаёт дикторларнинг жарангдор ва майин овози билан бошланади. Сурагда: республика радио эштитиш ва овоз ёзиш студияси дикторлари К. Ҳалилова ва С. Аҳмедовлар радио тингловчиларини кунлик янгиликлар билан таништирмоқдалар.

Республика телевидениеси ҳамда радиоси фаолиятида область телевидение ва радиоси ходимлари фаол иштирок этмоқдалар. Улар жойлардаги маҳаллий ҳаётдан олинган материаллар билан кўрсатув ва эштитишларнинг мазмунини бойитиш ишига хизмат қилмоқдалар.

Теле-радио журналистларининг маҳорати, ижодий фаолияти туфайли эштитишлар тежасини келтириб, «Биз ва танпарвар», «Интернационалларимиз», «Партия ҳодими минбари», «Йўлчи юзлар», «Тошкент меридиани» сингари рубрикалар билан берилаётган эштитишлар радиотингловчиларда катта қизиқиш уяғотмоқда.

Телевидение ва радио эштитиш ходимлари ўз фаолиятининг ҳаёт билан ҳаммафаслида деб билишлар. Улар кайси мавзуга қўзғалғинлар, у проблемани умумхалқ маънафати юзасидан, партия талабига мувофиқ ҳал этишга иштирокчи бўлишлар. Совет турмуш тарзини назорат қилиш тарғиб қилиш, турли — туман кўрсатув ва эштитишлар билан оқинган янги-янги зафарларга даъват этиш, умумхалқ социалистик мусобақасини кенг ёритиш, илгор тажрибаларини тезкорлик билан ёйиш — теле-радио журналистлар ижодиятини беш мезон бўлиб қолмоқда. Бу соҳада бир мушча ютуқларга ҳам эришилди. Ушундан йил якунига бунча Ўзбекистон ССР телевидение ва радио эштитишлар давлат комитети СССР теле ва радио комитетининг «Шухрат китоби»га киритилди.

Телевидение ва радио журналистлари КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми ҳамда «Идеология, сиёсий тарбиявий ишларини янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорларини кенг тарғиб қилишда, республикамиз ва областимиз меҳнатқилларининг ватанпарварлик ташаббусларини ҳар томонлама ёритиб бориш устида ҳаммаиш ижодий иштирокчи бўлишлар. Совет воқеаларининг энг гузал ҳаётини манзараси радио тўлиқлирида, зангори экран программаларида кенг кўламда ўз ифодасини топмоқда.

Р. РАҲМОНОВ, Ўзбекистон ССР телевидение ва радио эштитишлар давлат комитети раисининг ўринбосари.



Ҳар тонгда радиодаги жўшқин ҳаёт дикторларнинг жарангдор ва майин овози билан бошланади. Сурагда: республика радио эштитиш ва овоз ёзиш студияси дикторлари К. Ҳалилова ва С. Аҳмедовлар радио тингловчиларини кунлик янгиликлар билан таништирмоқдалар. И. Глауберзон фотолари.

Майин, ширали овоз билан, бир бериға ҳамоҳанг, жўшқин-жўшқин қўлашади, улар. Бу қўшқин тугади. Энди янги, халқ яратган, лислар қалбига дарров етиб боради. Бўлмаса эндигина иккинчи баҳорини кўрган диктор қизлар ансамблининг таърифи тиллариди-тиллариға таърифи? Қўллариди Ўзбекистоннинг севимли қолғу асбоби — диктор ушлаган «Салом» пайди бўлиши билан «Ҳай, келинлар, диктор қизлар чиқинди», деб оила аъзолари бир-бирларини экран олдиға қақришармиди?

Мана қўлида соз, қўшқин қизлар. Уларға қарайсан-у, сўлим баҳор гуллариға тинчландай бўласан киши. Оқсиз куй бошланганда эса чаман ичра бўлбуларда хонш қизлаётгандек туюлади. Сило, хушбичим либослари — ўзларига ярашган оққизлар, одоб билан майин табассум қилишганда беҳиштир «Отанга, устозиниға раҳмат», деб юбасин.

Одаси ҳам соз қалби, ҳам қўшқин қўлаш ижодий учун анча мураккаб. Аммо бу қизлар ҳар кили санъатини баравар оқлашган ки, соз билан қўшқин ҳамоҳанг ишаратлайди. Қизлар даставвал «Дуторчи қиз қўшқини» бош ташди. Дугонажон қўлга сафар олгим келди. Қўриқ очиб қизлар билан қолгим келди...

«ТАБАССУМ» ИШЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Республика радиоси «Табассум» радиожурналининг ижодкор ва ижрочилар коллективини ўз тингловчилари билан тез-тез учрашиб, улар билан ижодий режаларини урқоқлаштиришга аниқлашга йланиб қолган. Яқинда «Табассум» Меҳнат Қизли Байроқ ордени Тошкент тўқимачилик комбинати маданият саройида корхона коллективини билан учрашди. «Май ва баҳор» деб аталган бу даврали комбинат қасаба союзи комитетининг раиси Эркин Ҳамидов очиб, ишчиларнинг байрамолди меҳнат ютуқлари ҳақида таърифи.

Шундан кейин республика радиоси сатира ва юмор бўлими мудири Тулган Қўлибоев «Табассум» радиожурналининг ҳозирги фаолияти ва режалари ҳақида ҳисобот берди.

Учрашувда республикамизнинг танқид санъаткорлари — «Табассум» ижрочилари, Ўзбекистон халқ артисти Марям Екубова, республикада хизмат кўрсатган артистлар Бахтиёр Иштиёров, Ширин Азизова, артистлардан Хусан Шарипов, Соат Шарипов, Илёс Маллаев, Гулдора Ҳужаева, ака-ука Ваҳобовлар ва бошқалар интермедия, ҳажвий, лирик ва ҳазил қўшқилар ижро этишди. Шунингдек, кечада «Табассум» авторларидан республика мукофоти лауреати шоира Гулҳебра Нуруллаева ва шоир Ҳайдар Мухаммад ҳам иштирок этиб, шеърларидан намуналар ўқиди.

Қизлар Ганижон Тошматов куй басталаган Мансур Қориев шеър билан айтилаётган «Тўй гуллари»ни қўлаш бошлади. Замонамиз шаъниға қўшқин айтинг ёр-ёр. Дил қўйини юрак билан, жўшқин айтинг ёр-ёр... Ҳа, улар жўшқин қўлашарди. Қизлар ичидан янахон қўшқинлар Замира Сунонова, Оаода Мадраҳимовларнинг овозлари ажралолиб турар, чангари Хатирани Ақромова, диктор Роза Ҳўжаева, Ҳакима Эргашева-лар жўр бўлишганда оҳанрабо куй баралла талардилар.

Ансамблимиз бир овозда қолмай иккинчи овозли қўшқиларни ижро этиб, таъди қўридан қўли, — дейди бадий раҳбар, — шоғирларнинг ўзбек халқининг севиқли адаблари — Ҳамза Ҳамидов, Ҳамид Олимжон юбилейлариға бағишланган қўшқиларини жозибали ижро этишганда мамун бўлиб, — ордан чиқиб бораётган халқ ижоди, қўшқин, қизлар айтиб келган лапарларини мамолотта етказсан, бундан ташқари парқат қолғу асбобларини қўй қолдирди. Ижро этиладиган «Сўраш мавзоси», «Ирок», «Ушбоқ сотоҳи», «Бўрун» қабил қўлашар қосор бахшда этиб қўшқин тарзида ижро этсан, деб нит қилганимиз. Санъатиниға равиқ ва файз тилаймиз, қизлар!

Ф. УСМОНОВА.

ҚИЗЛАР ҚЎЛИДА ДУТОР

САНЪАТИМИЗ ГЎНЧАЛАРИ

кор Ганижон ака Тошматовдан эшитинг: — Кўндан бери «Дуторчи қизлар»дан иборат ансамбль яратсам, деган катта ният бор эди. Яхши ният билан бошланган ишнинг охири бахали бўлади... 1979 йилнинг нобаҳориди «ансамбль ташкил этилсин», деган хушхабар таралди. Уни яратчи масъуляти менга топшириди. Шу кундан эътиборан консерватория, театр ва рассомчилик, маданият институтлари, музика билим юрталари бориб дуторға қилинган, қўшқин айтиб қолган қизларни қидирдик.

Мана, иш бошлаганимизға ҳам ронга-роси бир йил бўлибди. Ганижон ака қамтар одам. У қилинган ҳам ташкилий, ҳам ижодий ишлар, халққа манзур қўшқилар яратишдаги навалилариди, ани шунча вақт ишда ўтириб ортиқ халқ қўшқиларини тикланган, қанча машаққатлар билан уш қизларға ўргатгани ҳақида сўзланасди. Матниси Юсуфов, Тельман Ҳасанов ва бошқа композиторларнинг асарлари ҳақида сўзларди, ҳолос.

Ушбоқ ансамбль яратилиб, эл меҳрини қозона бошлаганидан хурсанд. Зотан ирачи ҳам чиқиб қолди. Дилором Мухамедова, ўйинчи ҳам ўзингиздан, Матлуба Юсуфова. Бизга алоҳида бахтмейстер даркор эмас. Қўшқиннинг мазмунига мос жилвали рақсини қизларнинг ўзлари ўрниға қўлиб ижро этишмоқда.

Ўзбек халқи санъатини

Саниқий фонуси

Саниқий фонуси

РЎЙХАТЛАРДА ЙЎҚ ЭДИ НОМИ



XXXV

ТАНИҚЛИ совет ёзувчиси, СССР Давлат мукофотининг лауреати Борис ВАСИЛЬЕВнинг «Рўйхатларда йўқ эди номи» романи Брест қалъаси қаҳрамонлариға бағишланган.

АПРЕЛЬ ойининг эрта тониди собиқ скринкичи ва собиқ одам Рувиим Свицкий бошини куйи осилтирган ҳолда танк ва машиналарнинг гилдираги эзиб юборган лой йўлдан шоштанча кетиб боради. Қарши томондан немис машиналари тўхтовсиз келар, машина ойнасига урилаётган куш мури уқдан-буқча лиқиллаб ўқиради.

Борис Свицкий бу қўшқин кўрмасди. Қўзғин ердан узоқмасди у, чуқин унинг орқаси ва кўрағида олти-киррали катта сарик юлдуз бор: бу белги ҳарқандай дуч келган одам уни уриши, сўқини, ёки бўлмаса сув тўлдирган халқон ёқсизда отиб ташлаши мумкинлигини билдиради. Ушундан бу юлдуз ҳақоратдек пораз, ўлим юки қабил ел-қасидан босар, қўзғиннинг кўри алақачонлар сўнган, беҳишов ушун қўзғини шим қоллари устида иттоққорона осилиб турар, букир елкаси эса, ҳар даққа зарба ёки ўқ нугандек янада букчи кетганди.


Борис Свицкий бу қўшқин кўрмасди. Қўзғин ердан узоқмасди у, чуқин унинг орқаси ва кўрағида олти-киррали катта сарик юлдуз бор: бу белги ҳарқандай дуч келган одам уни уриши, сўқини, ёки бўлмаса сув тўлдирган халқон ёқсизда отиб ташлаши мумкинлигини билдиради. Ушундан бу юлдуз ҳақоратдек пораз, ўлим юки қабил ел-

Автор совет солдатининг тенгсиз насорати, буюк насорати, ола-Ватанға солиқининг афр маҳорат билан тасвирлади. Роман Гафар Гулом номли нашрдига топ этилди. Ушундан парчион газетхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.

Ҳам, машинанинги. Қаштан қўчасига бурчлагани ва уни қалъага олиб кетишга ётганини седи. Гарчи энди бўлидан ортиқ учуш ва ҳалқисиратга ўрин қолмаган бўлса ҳам, нима учунди диктор кўриди у. Қўриқанидан шундай гулжанак бўлиб олдики, катта машина тўхтаганда ҳам қимир этмади. — Туш пастга! Свицкий шоша-пиша машинадан тушди. Генералнинг қора «Хорьк» маркази машинаси ҳароба ўртасида турарди. Харобазордаги ертўлага олиб тушадиган тўнук, бу тўнукни ўраб олган немис солдатларини ва бироз напирқода устиға нақилка ёпиб қўйилган икки-учи жасадни қўришга улуғди у. Нақилка остида бесунмай немис этиклари чиқиб турарди. Ушундан нарироқда — немис солдатлари ўраб турган харобанинги на-

дайидир фанатик, рус солдати ўтирипти. Уш ерга тушиб, уни ихтиёрли равишда қўриқонини топишорига қўйдирасан. Агар уш ерга у билан қолган бўлсан, оғметдан ўқ очиб икки-ички ҳам ёндашиб ибора-ма, бир ўқинг қайтиб чиқадиган бўлсан, отиб ташлашди. — Фонуи беринлар уш. Свицкий қўқила-суқила гишт парчалари устидаги юрб қоронги ертўлага туша бошлади. Ертўлага аста-секин сўзиб боради, лекин кўп ўтмай, оёқ остидаги гишт парчалари тугаб, гишт билан тўлатиб ташланган йўлакча дуч келди. Свицкий фонусини ёниши билан, қоронғиликдан бўғик овоз эшитилди. — Тўхта! Отиб ташлайман! Отманг! — келган жойида тўхтаб қичқирди Свицкий. — Мен немис эмасман! Илтимос қўлланг отманг! Улар юборишди мени! — Юзини ёритди. Свицкий тезда бош қимини олиди. У энди ушунан нима талаб қилинаётганини сезгандек бўлди. — Аниви ертўлага қам-

ёндириб, мени отиб ташлашди. — Билмай тузоққа тушиб қолдим, — аламли таъриди овоз. — Қўзғин ертўла яхши кўрмайдиган бўлиб қолган, ана шундан фойдаланиб тузоққа илтиришди. — Юзга қўп улар. — Биринчи ўқим тамом бўлган. Бизини қалъага ҳасарда! Хечнарс эшитмадингми бизникилар тўғрисида? — Биласизми, шов-шув гаплар юрипти. — Свицкий овозини пасайтириб ширчиллаб бошлади. — Яхши шов-шув гаплар, германларни Москва ёқинида тормор қилишганимиз, жуда каттинг савалашинти. — Москвага? Москва ўзимиздами? Немислар олти-мапгани Москвами? — Йўқ, йўқ нима дедисиз ўш! Мен бунга аниқ билмаман. Москва ёқинида немисларнинг бошла адабини беришган. Тўшуналасизми, Москва остоналариди? — Қоронғиликда тўсқандан кўнги эшитилди. Ҳўрлаган тағтайнавор қулиш эди бу. Қўллаган бу қўллаган Свицкий ўзини йўқотиб, доғираб қолди. — Энди қичкам бўлар экан. Чинаману, сўнгги марта уларнинг қўзғиниға нақиллан. Менга ёлдам бериб юборгани фоток. — Эртон! — Свицкий томонидан гаргарга ўхшаган галати овоз чиқди. — Эртон дедимизми сиз? Вой,



Тошкент — билимлар
масканидир. Суратда:
В. И. Ленин номи Тош-
кент Давлат университе-
ти ўқув корпусларидан
бири ва маданият саройи
акс эттирилган.

А. Тўраев фотоси.

Спорт

КАДР-ҚИММАТГА НЕ ЕТСИН

ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАР

СОВЕТ ШАМШИР- ЧИЛАРИНИНГ МУВАФАҚИЯТИ

Бонн шаҳрида ўтказилган шамширчилар баҳсида 23 мамлакат спортчилари иштирок этдилар. Бу мусобақалар Москва Олимпиада уйида бўлиб ўтди. Турларда СССР терма командаси номзод бўлган 7 спортчи ўз маҳоратини кўрсатди. Уш спортчилар — А. Романов, В. Смирнов ва С. Рўзиевлар кучли рақиблардан жой олиб, мусобақаларнинг финал қисмида қатнаш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Ҳал қилувчи учрашуларда совет спортчиларининг қўллари баланд кетди. Киевлик спортчи В. Смирнов мусобақанинг боп соғирини олди. Тошкентлик Соби Рўзиев эса ҳурмат шохуспасининг никини поғонасига кўтарди. Яна бир вақтда — А. Романов эса совринли учинчи ўринни эгаллади.

Энди улар Москвада ўтказилаётган катта спорт анжуманига тайёргарлик кўришади.

БОКСЧИЛАР БАҲСИ

Бир неча кундир, Ростов-Дон шаҳрида бокс бўйича мамлакат чемпионати давом этаётди. Олимпиада олдидан ўтказилаётган боксчилар баҳсида Иттифоқимизнинг энг кучли 200 дан ортиқ «чарм қўлопо» устаслари қатнашляпти.

Ҳар бир вақт категорияси бўйича юксак номини қўлга кiritиш учун қизил бахслар бўлиб ўтаётди. Саралаш мусобақаларида 48 килограммга вази категорияси бўйича вақтда — армякчи У. Омаров қўлга олди. Иккинчи ўринда А. Игнатюк, учинчи — А. Коротких устаси таловга қозонди.

Мусобақаларнинг сўнгги боксчида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга кiritганлар орасида Ф. Пак ва Д. Гурбозлар ҳам бор. 54 килограммга вазида вақтда — армякчи А. Арутюнян мағлуб этди. Армякчи Д. Гурбоз эса 63,5 килограммга вазида вақтда «Зенит» вақти А. Коротких устаси таловга қозонди.



ОЛИМПИАДА ТАРИХИДАН ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

ТАНГАЛАР, ТАНГАЛАР...

ҚАДИМГИ юнон буюк файласуфи Арасту гувоҳлик беришча, Олимпиада уйларига бағишлаб чиқарилган тангалар эраиздан аввалги 480 йилда зарб қилинган экан. Арастунинг билинча худди шу вақтда бошланган 75-Олимпиада уйларига Сицилиядаги Мессина ва Регимум шаҳарларининг

ҳукмдори Анаксилас эшак миниб югуришда биринчи бўлган ҳамда ўн мақкур тангаларда янги хил тангалар чикартган. Худди шу йили Анаксилас Сицилияда қўнлар олиб кетди, уларни қўнларга тақдир қилди. Шу сабабли ҳам тангаларнинг бир томонига аравага қўнлар эшак, орақсига эса қўн

ёқ тасвири туширилган. Танганинг диаметри 25 миллиметр, оғирлиги 17,5 граммдир.

Умуман, қадимги Ювонистон ҳамда Эрта Ер деҳқон атрофидаги юнонлар, лияднинг шаҳарларида Олимпиада уйларига, уларнинг голиблари ҳамда Олимпиада ҳимийси Зевс шарафига қўнлар мақсури тангалар зарб қилинган. Кейинчалик Қадимги Римда ҳам бу анъана давом эттирилган.

Одатда Олимпиада уйларига голиблар лавра тартиқланган гул шодалари билан тақдирланган. Қадимги Римда эса голибга олтин медал тақдим қилиш билин бор расм бўлди. Бу эраизнинг 242-йилида, Рим императори Гордий III бўлганда зарб қилинган медал эди. Шу йили

«ШАШКА МЎЪЖИЗАСИ»

Чирчиқдаги 8-ўрта мактаб ўқувчилари бу йил ҳам «Шашка мўъжизаси» деб номланган республика турнирининг голиб бўлишди. Сўнгги турда улар Тошкентдаги 208-мактаб ўқувчиларини 2,5—1,5 ҳисобида енгиб, «Еш куч» кўнглили спорт жамаияти маркази Совети таъсис этган бош совринни қўлга кiritишди. Чирчиқлик ёш спортчи

Республика мактаб ўқувчилари спартакиадаи программасига кирган спорт гимнастикаси мусобақалари пойтахтдаги «Ешлик» спорт аренасида бўлиб ўтди. Тошкентлик спортчи Олег Хомяков халқда спорт мастерлари программасида иштирок этиб, биринчи ўринни эгаллади (чапда). Мастерликка номзодлар программасидаги кўпқурсаш мусобақаларида Александр ва Сергей Котковлар биринчи ва иккинчи ўринни эгаллашди. Артур Эшкүлов эса учинчи бўлди. Ўнгдаги суратда голиблар ҳўрмат шохуспасида.

Л. Гусенин фотоси.

Олимпиада Александр Македонский хотирасига бағишланган.

Эраизнинг 394-йилида эса император Феодосий II Олимпиада уйларини умумий бекор қилди, табиини, Олимпиада тангалари ҳам чикарилмай қўйилди. Мақкур анъана бизнинг давримизга қолди таловди. 1952 йили Финляндия XV Олимпиада уйларига шарафига 500 маркали (Финляндия пули) қўнлар тақдир қилиб, биринчи бор қадимий традицияни қайта бошлади.

Шундан сўнг Мельбурн, Рим шаҳарларида ўтказилган Олимпиадада атайиб тангалар зарб этилмади, аммо Инсбрук (Австрия) ҳамда Токио (Япония) қиш ва ёзи Олимпиада уйларига шарафига яна мақкур тангалар муомалага чикари

ла бошланди. Ўша вақтдан бўён Олимпиада уйларига тақдир этиладиган тангалар ўз Олимпиада тангаларини зарб қилиб келмоқда.

Бизда ҳам СССР «Олимпиада-80» тақдирли комитети тақдирли музофони, 1977 йил 25 октябрдан бошлаб Москва шаҳрида ўтказилаётган XXII Олимпиада уйларига бағишланган тангалар чикаришмоқда. 1979 йил октябрда 1977-1979 йилларда зарб этилган турта бир сўмлик мис-никель танга муомалага бўлган.

Шу билан бирга мамлакатимизда ҳар бири 5 ва 10 сўм қийматли қўнлар тангалар, 100 сўм қийматли олтин ҳамда 150 сўм қийматли латина тангалар ҳам XXII Олимпиада уйларига шарафига зарб этилган.

А. Абалая фотоси.

Редатор
Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА

Эълонлар

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
7, 8 МАЙ СОАТ 19.00 да

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

КАТНАШАДИЛАР:

Солистлар: Шерўзун ҒОЗИЕВ, Нурдин ХАЙДАРОВ, Исмонилон ТУРДУЛИЕВ, Мустара ҒАЗЛИДИНОВА, Азиз ҒОЗИЕВ, Улмасхон НУРМАТОВА, Насиба ЭҒАМБЕРДИЕВА, Нурдин СОБИРОВ, Жўра ҒОЗИЕВА, Саттор ИСЛОМОВ (оригинал жанр).
Ўзбек халқ чолгу асбоблари ансамбли.
Программи: — Мамасоли ХОЛМАТОВ ва Мирзошайх КЕНЖАЕВ олиб борадилар.
Музика раҳбари — Нозим ЖАББОРОВ.
Билетлар концерт зали нассасида соат 14.00 дан сотилади.

Ўзбекистон Давлат филармонияси
Совет халқининг фашистлар Германияси устидан қозонган
ғалабасининг 35 йиллигига бағишланади

8 МАЙ СОАТ 18.00 да
ГУЙТЕПА СТАДИОНИДА
9 МАЙ СОАТ 18.00 да
ОҚҚУРҒОН СТАДИОНИДА
ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ
АНЪАНАВИЙ

САНЪАТ БАЙРАМИ

КАТНАШАДИЛАР:

Бутуниттифок профессионал бадий коллективлар кўрни—
ишонсининг диплоанти ва Ўзбекистон Ленин номсоели
муқоратининг лауреати
ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК
«ЛАЗГИ» АНСАМБЛИ
СССР халқ артисти ва СССР Давлат мунофотининг
лауреати

ТАМАРАХОНИМ
Ўзбекистон ССР ва Қорақолғистон АССР халқ артисти
ва Ҳамза номиндаги Ўзбекистон ССР Давлат
мунофотининг лауреати

Отажон ХУДОШКУРОВ
Ўзбекистон ССР халқ артисти
Коммуна ИСМОИЛОВА.
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
Меҳри АБДУЛЛАЕВА, Ўзсара ЕҒУБОВА.

Солистлар: Ортик ОТАКОНОВ, Оташхон Олмагул ва Ур-
бугул СУЙЕРБЕКОВАЛА, Маъмурон МАДВАЛИЕВ, Маъмур
БАҲРИЕВА, Клара ХУЖАЕВА, Аскаралн ХИДИРОВ, Валенти-
на ПАШКОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛГУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.
«ЛАЗГИ» ансамблининг бадий раҳбари ва бош балет-
мейстери — Ўзбекистон ССР халқ артисти Гаҳар РАҲИМО-
ВА.

Балетмейстер — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ар-
тист ва СССР Давлат мунофотининг лауреати Равашан ША-
РИПОВА.

Музика раҳбари — Намот ТУРАХУЖАЕВ.
Сценарий муаллифи — Султон ҚУҲОНБЕКОВ.
Рекжисер — Ҳайбулла АППАНОВ.
Билетлар сотилмоқда.

Ўзбек Давлат филармонияси
СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
9 МАЙ СОАТ 19.00 да

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

КАТНАШАДИЛАР:

М. Қорнеқубов номиндаги ўзбек давлат филармониясининг
«ГУЗАЛ» АНСАМБЛИ
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Қорақолғистон АССР халқ артисти
ГҒУЛШОД ОТАБЕКОВА
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Ўзбекистон Ленин номсоели мунофотининг лауреати
ҚИЗЛАРХОН ДУСТМУҲАМЕДОВА.

СОЛИСТЛАР:
ФАХРИДДИН УМАРОВ
Хонинбар ҲАМИДОВ, Ҳасан КАРИМОВ, Абдуқодир ЮСУ-
ПОВ, Гулнора АБЛАМОВА, Ойхон ЕҒУБОВА, Гулнора ОДИЛО-
ВА, Саттор ИСЛОМОВ (оригинал жанр).

Ўзбек халқ чолгу асбоблари ансамбли.
Программи — Ойдин ТЌХИРОВА олиб боради.
«ГУЗАЛ» ансамблининг бадий раҳбари — композитор
Султон АНВАРОВ.
Музика раҳбари — Тўйғун ОТАБЕКОВ.
Билетлар концерт зали нассасида соат 14.00 дан сотилади.

Время, 22.05 — Гуза парвари-
шини алақ олдирайлик. 22.30
Белорус вонзали. Бадий
фильм.

20.05 — Янгиланлар. 20.25 —
Ўнитузлар учун консульта-
ция. 20.35 — Рендлама. 21.10
Сирдан ўнитузлар студентлар
учун. Физика. 22.10 — Галаба-
нинг 35 йиллигига. «Ватан сол-
датлари». Телевизион ҳужжат-
ли фильм. 3-серия.

МАРКАЗИЙ
ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ
«ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ
9.00 — Время. 9.40 — Гим-
настика. 10.05 — Электроника-
нинг саргузашти. Кўп серияли
телевизион бадий фильм. 3-
серия. 11.10 — Радио кўнги.
Телевизион ҳужжатли фильм.
11.40 — Ҳарбий Ҳаво нуқлари
ҳақида. 3-фильм. 15.00 — Ян-
гиланлар. 15.20 — Бутунжаҳон
қизил крест кўнги. Ҳужжат-
ли фильмлар программаси.
16.45 — Шахмат мактаби.
17.15 — Кичик қаҳрамонлар —
Улуг Ватан урушининг ишти-
рокчилари. 17.45 — Едгорлик.
40- ва 60-йиллар совет мону-
ментал санъати ҳақида. 18.15
Ўзбекистон телевидениеси ва
радиоси намер оркестрининг
концерти. Тошкентдан олиб
кўрсатилди. 18.35 — Горчи-
лар, наераси. 19.05 — Ён-
ножурнал. 19.15 — Дуна
вокалари. 19.30 — Радио кў-
нги. 20.00 — Концерт. 20.30
— Меҳнат шон-шўхрати бай-
роқдорлари. 20.40 — Ҳаво ҳу-
жумдан мудофиа қўнларини
ҳақида. 4-фильм. 21.30 — Вре-
мя. 22.05 — Футбол бўйича
халқаро ўртоқлик учрашуви.
ГДР — СССР терма команда-
лари.

ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ
ПРОГРАММАЛАРИ
18.05 — Тенгдошларнинг яқини.
18.25 — Радио кўнги бағиш-
ланган нўрсату. 19.00 — ра-
дио кўнги бағишланган кон-
церт. 21.00 — Азборот. 21.30 —

Тошкентда гуллаб-яшна-
ётган Чиноз районига қар-
рашл Жамбул номи қўн-
чилик совхозини қишлоғида
транспортини ёниги бил-
лан таъмин этиш марказ-
лаштирилган. Суратда: бе-
ни колонкасида.

Чул қўнгида гуллаб-яшна-
ётган Чиноз районига қар-
рашл Жамбул номи қўн-
чилик совхозини қишлоғида
транспортини ёниги бил-
лан таъмин этиш марказ-
лаштирилган. Суратда: бе-
ни колонкасида.

А. Абалая фотоси.

Редатор
Н. НАСИМОВ.

БҒЛИМЛАР: оммавий ишлар ва халар — 334048; партия
туримуши — 325778; пропаганда — 325645; саноят, напхитал
иурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ ҳужалиги —

325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет нуқрилиш —
325645; азборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733;
фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325533; фотомух-
бир — 325894.

ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ
ПРОГРАММАЛАРИ
18.05 — Тенгдошларнинг яқини.
18.25 — Радио кўнги бағиш-
ланган нўрсату. 19.00 — ра-
дио кўнги бағишланган кон-
церт. 21.00 — Азборот. 21.30 —

Тошкентда гуллаб-яшна-
ётган Чиноз районига қар-
рашл Жамбул номи қўн-
чилик совхозини қишлоғида
транспортини ёниги бил-
лан таъмин этиш марказ-
лаштирилган. Суратда: бе-
ни колонкасида.

Чул қўнгида гуллаб-яшна-
ётган Чиноз районига қар-
рашл Жамбул номи қўн-
чилик совхозини қишлоғида
транспортини ёниги бил-
лан таъмин этиш марказ-
лаштирилган. Суратда: бе-
ни колонкасида.

А. Абалая фотоси.

Редатор
Н. НАСИМОВ.